



ПРЕСС-РЕЛИЗ



Ўқувчилар учун иқлим ўзгариши бўйича “Иқлим қутичаси” услугий қўлланмасини тақдимотини ёритиш

2021 йилнинг 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот коммуникациялар агентлигида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзгидрометнинг “Ўзбекистоннинг қурғоқчилик ҳудудларида жойлашган фермер ва дехқон хўжаликларининг иқлимий барқарорлигини таъминлаш” қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида “Иқлим қутичаси” номидаги ўкув қўлланмаси тақдимотига бағишлиланган семинарини ўтказмоқда.

Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенцияга қўшилган томон сифатида БМТ ИЎДК олдида қатор мажбуриятларни ўзига олган, жумладан, «Маърифат, кадрларни тайёрлаш ва жамоатчиликни хабардор қилиш» 6-моддасига мувофиқ, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари муаммолари бўйича маърифат ва жамоатчиликни хабардор қилишни таъминлаш соҳасида.

2014 йилда БМТ Тараққиёт дастури ишлаб чиқсан таълим муассасалари учун ўкув қўлланмаси бўлмиш «Иқлим қутичаси»ни 2018 йилдан бошлаб Республикада мактаб таълим жараёнига жорий қилишга мослаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Мазкур ўкув қўлланмасини таълим жараёнига жорий қилишдан кўзланган мақсад-умуман олганда ёшлар ва жамоатчиликни иқлим ўзгаришининг атроф-муҳитга таъсири ҳақида хабарорлигини оширишдан иборат. 2015 йилда «Иқлим қутичаси» Россиянинг 157 та ўрта мактабда муваффақият билан тажрибадан ўтказилди. 2015 йилда «Иқлим қутичаси» инглиз тилига таржима қилинди ва Парижда ўтказилган Иқлим Ўзгариши бўйича БМТнинг Доиравий Конвенцияси томонларининг конференциясида (СОР-21) тақдим этилди. 2016 йилда эса уни Қозоғистон, Қирғизстон ва Тоҷикистон Республикалари каби Марказий Осиё мамлакатларида жорий эта бошладилар.

«Иқлим қутичаси» материаллари тўплами Россия Федерациясининг молиявий кўмагида, Ўзгидромет ва Республика таълим маркази билан кенг ҳамкорликдаги БМТТД, Мослашув жамғармасининг «Ўзбекистоннинг қурғоқчилик ҳудудларида жойлашган фермер ва дехқон хўжаликларини иқлимга бардошлигини таъминлаш» қўшма лойиҳасини амалга ошириш доирасида мослаштирилди.

Республика таълим маркази томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчилари, ҳалқ таълим бўлимлари услубиятчилари, мактабдан ташқари таълим муассасалари мутахассислари, синф раҳбарларига Ўзбекистоннинг иқлим шароитлари ва хосликлари ҳақидаги материаллар билан таълим жараёнида ва мактабдан ташқарида таҳсил беришда фойдаланишлари учун ўкув-услубий қўлланма ишлаб чиқилди. Ўкув қўлланмасини намунавий жорий қилиш Тошкент шаҳрининг учта мактабида муваффақият билан ўтказилди.

Таълим материалларини топшириш маросимида Россия Федерацияси элчихонаси, БМТТД, Ҳалқ таълими вазирлиги ва Ўзгидромет вакиллари иштирок этиши кўзланган.

Плоцен Марина Александровна - Табиий мұхит ифлосланиши мониторингі бошқармаси бошлиғи

Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш түғрисидаги қонунчиликнинг асосий вазифаларидан бири бу атмосфера ҳавосининг табиий таркибини табиий мұхиттинг ижтимоий ахамиятта эга таркибий қисми сифатида сақлаб қолишидир, бу унинг сифатини ҳимоя қилиш ва назорат қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун зарурдир. фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай бўлган атмосфера ҳавосига бўлган ҳуқуқни таъминлаш учун сифатли мұхофаза қилиниши керак.

Ўзгидрометда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини кузатишларни модернизация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда, чунки юқори сифатли маълумотларни олишнинг барча босқичларида энг замонавий технологиялар ва воситалардан фойдаланиш зарур. Ўзгидромет ZAMIN XЖF (халқаро жамоат фонд) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий ёрдами билан, Тошкент шаҳрида ҳаво ифлосланишини кузатувчи иккита автоматик станцияни сотиб олди ва ўрнатди, улар доимий равишда сирт қатламидаги соғлик учун энг хавфли ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби түғрисида маълумот беради.

Қахрамон Абдухакимович Зоҳидов - Гидрометеорологик кузатувлар тармоғи бошқармаси бошлиғи

Дунёда рўй берадиган табиий оғатларнинг 90%и об-ҳаво, иқлим ёки сув билан боғлиқ. Ҳавфли табиий ҳодисаларни тўхтатиб бўлмайди, бироқ улардан ўз вақтида олдиндан огоҳлантириш фалокат қўламини камайтириши мумкин. Ҳавфли ҳодисаларни мониторинг қилиш тизими олдиндан огоҳлантиришлар тайёрлаш ва фавқулодда вазиятларда жавоб қайтариш учун маълумотлар тақдим этиш йўли билан оғатлар ҳавфини камайтиришга ёрдам беради. Гидрометеорология хизмати маркази прогноз ва огоҳлантиришлар тайёрлайди.

Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан молиялаштирилган "Ўзбекистон қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш" Европа Иттифоқи (ЕИ) дастури доирасида Давлат сув кадастрини (ДСК) юритиш учун ракамли маълумотлар базаси (РМБ) ишлаб чиқилди.

ДСК РМБ нинг асосий максади режалаштириладиган ва хўжалик органларга ер усти ва ер ости сув ресурсларининг асосий дарё ҳавзалари ва уларнинг алоҳида бўлган ҳудуд, вилоятлар ва умумий Республика бўйича миқдорий ва сифат ҳолати ва ўтган йилда улардан фойдаланиш даражаси ҳақида тезкор маълумот тайёрлаш ҳисобланади.

Ахборот тизимини жорий этишнинг асосий максад ва вазифалари ишнинг ахборот очиқлиги ва қулайликни ошириш, ягона марказлаштирилган маълумотлар базасини яратиш ва ахборотни киритиш ва қайта ишлаш муддатлари ва мураккаблигини камайтириш, манфаатдор ташкилотларга тартибли ва таҳлилий маълумотларни тезкор олиш ва тақдим этиш ҳамда қўрсатиладиган ахборот хизматлари сифатини оширишидир.

ДСК РМБ ахборот тизими "KIBERA-TECHOLOGY" IT-компанияси томонидан Австрия атроф-мұхит бўйича агентлиги (UBA) экспертлари томонидан ишлаб чиқилган маълумотлар базасининг макети асосида яратилган бўлиб, у РМБ ни юритиш ва Ўзгидромет, Сув хўжалиги вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ўртасида ўзаро ахборот алмашинувини таъминлайди.

М. Асилходжаева - Ўзгидромет Ахборот хизмати матбуот котиби

Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази логотипининг энг яхши дизайн-макети учун Ўзгидромет расмий веб-сайтларида эълон берилиб, 5 ой давомида танлов ўtkазилди. Танлов жараёни қизғин ва баҳс мунозараларга сабабчи бўлди. Танлов юзасидан ташкил этилган ҳайъат аъзолари иштирокида Ўзгидрометнинг асосий мақсад ва вазифаларини акс эттирувчи ва кейинчалик Ўзгидромет рамзи сифатида фойдаланиш учун мўлжалланган энг яхши логотип танлаб олинди. Логотип Ўзгидрометнинг расмий эмблемаси сифатида қабул қилинади ҳамда иш хужжатлари, веб-сайт ва Ўзгидрометнинг бошқа ахборот маҳсулотларини расмийлаштиришда фойдаланилади.